



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!» (Нисо: 1).

«Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор» (Бақара: 228).

«...»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қандай аёл энг яхши аёл?» деб сўралди. «Эри унга қараса кўзини қувнатадиган, буюрса итоат қиладиган, нафсида ҳам, молида ҳам у ёмон кўрадиган нарса билан унга хилоф қилмайдиган аёл», деб жавоб бердилар (Имом Насоий ривояти).

«...»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Эр аёлини тўшакка



Ислом Нури

чақирганда, у рад этса ва эри ундан ғазабланган ҳолда ухласа, фаришталар тонггача аёлга лаънат айтадилар» (Муттафақун алайҳ).

«Аёл киши эри уйида эканида унинг изнисиз (нафл) рўза тутиши дуруст эмас, уйига унинг изнисиз (биронинг киришига) изн бериши дуруст эмас» (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аёл киши эри уйида эканида унинг изнисиз (нафл) рўза тутиши дуруст эмас, уйига унинг изнисиз (биронинг киришига) изн бериши дуруст эмас» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Аёл киши эрининг қарамоғи ва ҳимояси остида бўлгани, эри унинг барча эҳтиёж ва ишларини бошқариб тургани боис эрнинг аёли устида улкан ҳақлари бор, Аллоҳ таоло эрнинг зиммасига айрим вазифаларни юклаганки, бу билан эру-хотин ва бутун оилага яхшиликлар ҳосил бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Эрнинг аёли устида кўп ҳақлари бор;
2. Аёл киши маъруф-яхши ишларда эрига итоат қилиши лозим, бу унинг жаннатга киришига сабаб бўлади.